



WAYS, FACTORS, TOOLS, AND LEGAL FOUNDATIONS FOR THE SPIRITUAL DEVELOPMENT OF YOUTH IN THE CONTEXT OF THE MAHALLA

Olmos Fayzievna Tursunova

Candidate of Philological Sciences, Associate Professor

Samarkand State Pedagogical Institute

o.tursunova@gmail.com

Samarkand, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: mahalla, youth upbringing, spiritual well-being, social factors, educational tools, family–mahalla cooperation, legal foundations, state programs, prevention, spiritual and educational activities.

Received: 19.12.25

Accepted: 20.12.25

Published: 21.12.25

Abstract: This article provides a comprehensive analysis of the effective ways, key factors, and practical tools for promoting the spiritual well-being of youth within the mahalla environment. It highlights the social and educational functions of the mahalla institution, the role of spiritual and educational activities in shaping the worldview of young people, and the importance of cooperation among the family, mahalla, and educational institutions. The study also examines the legal foundations, state programs, and normative documents aimed at ensuring the spiritual upbringing and well-being of youth. Furthermore, the article presents scholarly recommendations for improving the effectiveness of spiritual and preventive activities carried out in mahallas.

МАҲАЛЛА ШАРОИТИДА ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ СОҒЛОМЛАШТИРИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ, ОМИЛЛАРИ, ВОСИТАЛАРИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Олмос Файзиевна Турсунова

Филология фанлари номзоди, доцент

Самарқанд давлат педагогика институти

o.tursunova@gmail.com

Самарқанд, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: маҳалла, ёшлар тарбияси, маънавий соғломлаштириш, ижтимоий омиллар, тарбиявий воситалар, **Аннотация:** Ушбу мақолада маҳалла шaroитида ёшларни маънавий соғломлаштиришнинг таъсирчан йўллари,

оила–маҳалла ҳамкорлиги, ҳуқуқий асослар, давлат дастурлари, профилактика, маънавий-маърифий тадбирлар.

асосий омиллари ва самарали воситалари атрофлича таҳлил қилинади. Маҳалла институтининг ижтимоий-тарбиявий вазифалари, ёшлар онгини шакллантиришда маънавий-маърифий тадбирларнинг ўрни, оила–маҳалла–таълим муассасаси ҳамкорлигининг аҳамияти ёритилади. Шунингдек, ёшлар тарбияси ва маънавий соғломлашувини таъминлашга қаратилган қонунчилик асослари, давлат дастурлари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил этилади. Мақолада маҳаллаларда юритилаётган маънавий ва профилактик ишлар самарадорлигини ошириш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ҳам берилади.

ПУТИ, ФАКТОРЫ, СРЕДСТВА И ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ДУХОВНОГО ОЗДОРОВЛЕНИЯ МОЛОДЕЖИ В УСЛОВИЯХ МАХАЛЛИ

Олмос Файзиевна Турсунова

Кандидат филологических наук, доцент

Самаркандский государственный педагогический институт

o.tursunova@gmail.com

Самарканд, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: маҳалля, таълим, тарбия, ҳуқуқий асослар, давлат дастурлари, профилактика, маънавий-маърифий тадбирлар, оила–маҳалла–таълим муассасаси ҳамкорлигининг аҳамияти, ёшлар тарбияси ва маънавий соғломлашувини таъминлашга қаратилган қонунчилик асослари, давлат дастурлари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил этилади.

Аннотация: В статье всесторонне анализируются эффективные пути, ключевые факторы и действенные средства духовного оздоровления молодежи в условиях махалли. Раскрывается социально-воспитательная роль института махалли, значение духовно-просветительских мероприятий в формировании мировоззрения молодежи, а также важность взаимодействия семьи, махалли и образовательного учреждения. Кроме того, изучаются правовые основы, государственные программы и нормативно-правовые документы, направленные на обеспечение духовного воспитания и оздоровления молодежи. В работе также предлагаются научные рекомендации по повышению эффективности духовно-воспитательной и профилактической деятельности в махаллях.

Кириш. Бугунги глобаллашув ва ахборот оқимининг кескин кучайган даврида ёшлар маънавиятини мустаҳкамлаш, улар онгида барқарор ижтимоий-маънавий иммунитетни

шакллантириш мамлакат таракқиётининг устувор вазифаларидан бирига айланди. Жамиятнинг ижтимоий тузилмасида муҳим ўрин тутувчи маҳалла институти ёшларни тарбиялаш, уларнинг маънавий дунёқараши, ахлоқий фазилатлари ва ижтимоий фаоллигини оширишда беқиёс имкониятларга эга бўлган тарбиявий муҳит сифатида юксак аҳамият касб этади.

Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, маҳалла нафақат ҳудудий бирлик, балки жамоатчилик назорати, маънавий-маърифий тарбиянинг асосий очоғи, кенг жамоа манфаатлари уйғунлашадиган ижтимоий институт сифатида шаклланган. Айнан шу жиҳатдан, ёшларни маънан соғлом, баркамол шахслар этиб тарбиялашда маҳалла тарбиявий мактаб вазифасини бажаради. Бугунги кунда маҳалла фаолиятини қонунчилик асосида мустаҳкамлаш, унинг имкониятларини кенгайтириш ва аҳоли, айниқса ёшлар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган давлат сиёсати бу жараённинг самарадорлигини янада оширмоқда.

Ёшларни маънавий соғломлаштиришда оила–маҳалла–таълим муассасаси ҳамкорлиги, жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлаш, профилактик ва маърифий ишлар самарадорлигини кучайтириш муҳим педагогик ва ижтимоий аҳамиятга эга. Шу билан бир қаторда, ёшлар тарбиясига оид ҳуқуқий асосларнинг такомиллашуви, давлат дастурлари ва қонуний меъёрларнинг амалиётга жорий этилиши соҳа ривожининг мустаҳкам пойдеворини яратиб келмоқда.

Асосий қисм. Миллий кадриятларимиз ёшларни барча ёмонликлардан сақланадиган, яхши амалларни қилишга ундайдиган, виждонли, ҳушёр, иродаси мустаҳкам, соғлом фикрли, жисми бақувват, жамиятга наф келтирувчи, оиласи, маҳалласи, Ватанини ҳимоя қилувчи, юртни обод қилувчи бунёдкор, ўзига юклатилган маъсулиятни мукаммал адо этувчи шахс бўлиб камол топишга даъват этади. «Ишончим комил, биз жонажон Ватанимизга бўлган чексиз меҳримиз ва садоқатимизни муқаддас байроқ қилиб, бор билим ва тажрибамиз, ақл заковатимизни ишга солиб, ягона халқ, ягона миллат бўлиб, кўзлаган эзгу мақсадларимизга албатта етамиз».

Аmmo ижтимоий ҳаётда қатор иллатлар мавжудки, улар инсонни оиласи, жамият ва давлат олдидаги бурчи ва маъсулиятдан узоқлаштириб қўяди. Қуйида инсонларнинг маънавий оламига хавф солаётган ички ва ташқи таҳдидлар ҳамда уларнинг жамиятга таъсир этадиган салбий оқибатларини келтириб ўтамиз:

Ички таҳдидлар:

Лоқайдлик ва бепарволик – одамнинг теvarак-атрофидаги воқеа ва ҳодисаларга бефарқ бўлиб қолиш ҳолати. Лоқайдликда инсонда ташқи муҳитга қизиқмай бутунлай

бепарво бўлиб қолиш касаллиги юз беради. Бунда инсонда ҳафсаласизлик, қизиқишнинг йўқолиши ҳолатлари рўй беради.

Эл-юрт тақдирига лоқайдлик – инсон, жамият, миллат ишига бепарво ва совуққонлик билан ёндашиш, муносабатда бўлишни ифодаловчи маънавий иллат. Муайян кишининг гоҳида ўз ҳаёти, ўзгалар фаолияти, атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга бефарқлиги ва лоқайдлигини англатувчи тушунча. Ҳаётининг позициянинг аниқ эмаслиги, долзарб вазифалардан ўзини олиб қочиш, эл-юрт, жамият ва миллат ташвишларидан четда туриш лоқайдлик белгиларидир.

Оқибати: бугунги кунда инсонларда авж олиб бораётган лоқайдлик илллати миллий тараққиётимизга зарар етказмоқда. Ташқи ғоявий таъсир ички маънавий лоқайдлик, заифлик бор жойда илдиз отади. Бефарқлик авомни тарбиялайди ва атрофга ҳам шу нуқтаи-назарда муносабатда бўлади. Лоқайдлик, бефарқлик ҳафсаласизликка сабаб бўлади. Бефарқ одам бошқалар иродасига тез бўйсунди. Бу ҳол улардан турли мақсадларда фойдаланиш ҳамда уларни салбий томонга етаклаш имконини беради.

Маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик – маҳаллий манфаатларни кўзлаб иш тутиш, миллий ва умумдавлат манфаатларини ҳисобга олмай, уларга зарар келтирувчи, тор маҳаллий манфаатлар доирасида фаолият юритиш. Маҳаллийчилик миллий манфаатлар устунлигини тўлиқ англаб етмаган, бирликка эришмаган халқларда кўпроқ сақланиб қолган. Маҳаллийчилик этник-минтақавий фикр юритишнинг кўриниши бўлиб, миллий ўзликни англашдан минтақавий ўзликни англаш устунлик қилган шароитларда илдиз отади.

Уруғ-аймоқчилик – маҳаллийчиликнинг кичик кўриниши. Уруғ-аймоқчилик қариндошларнинг ўзаро ёрдами бўлиб, жамият тараққиётини секинлаштиришга олиб келади.

Оқибати: маҳаллийчилик тамойилининг кучайиши минтақаларнинг ўзини ўзи чегаралаб қўйишига, таркиб топган хўжалик алоқаларининг кучсизланиши ва парчаланишига, бинобарин, минтақанинг иқтисодий жиҳатдан таназзулига олиб келиши мумкин. Маҳаллийчилик давлатнинг яхлитлигига реал хавф туғдиради. Мазкур иллат шаклланганида жамиятда таниш-билишчилик авж олиб, жойларда ўзибўларчилик кайфияти юзага келади. Бу каби иллатларнинг ривожланиши жамият тараққиёти илдизларига болта уриш билан баробар.

Оилавий қадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик - халқимизда оила ва қариндошлик муносабатлари маънавий қадриятларнинг муҳим манбаи саналади. Катталарни ҳурмат қилиш, ўзаро ёрдамлашиш, келажак авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳамини унинг асосий қоидалари бўлиб келган. Оилавий қадриятлар ва ёшлар тарбиясига

этиборсизлик маълум даражада ота-оналаримизда шу муаммога нисбатан назоратсизлик, укувсизлик ҳамда билимсизликнинг авж олиши билан изоҳланиши мумкин.

Оқибати: оилавий қадриятлар ва ёшлар тарбиясига этиборсизликнинг жамиятда авж олиб кетиши бутун бир ижтимоий структура ёки миллатни маънавий таназзулга учратади. Оилада келажак авлодга миллий қадриятларни ўргатмаслик уларнинг бузғунчи “оммавий маданият” таъсирига тушиш хавфини кучайтиради.

Миллий қадриятларга этиборсизлик - кўп асрлик тарихий жараёнда шаклланган ва мустақамланган миллий, диний қадриятларга ҳурматсизлик, уларни қадрсиз қилиш. Илмсизлик, қадриятларни билмаслик, аждодларидан, уларнинг илмий меросидан беҳабарлик, нигилизм. Энг ёмони, ҳозирда авж олаётган ғарбга тақлид, хусусан, гедонизмга онгсиз амал қилиш миллий қадриятларга этиборсизлик таҳдидини келтириб чиқаради.

Оқибати: “оммавий маданият” авж олади, маданиятлар аралашуви вужудга келади, аждодлар унутилади ва натижада, асл миллий, маънавий меросдан узоклашилади, демак, миллий ўзлик, тараққиёт хавф остида қолади.

Эрта турмуш қуриш - тарихни яхши билмаслик ва шунинг натижасида айрим тарихий анъаналарга кўр-кўрона тақлид. Дунёда ва юртимизда содир бўлаётган ўзгаришларга шошма-шошарлик билан муносабатда бўлиш, шунингдек, оилавий тарбиянинг сусайгани, турмуш қуришга бўлган муносабатнинг нотўғри шакллангани, ёшлар тарбиясида маҳалла институти ролининг пассивлиги.

Оқибати: жисмонан ва руҳан носоғлом авлод дунёга келади, аёллар ва болаларга хос касалликлар авж олади, ажралишлар сони кескин кўпайиши натижасида оилалар ўртасида низолар вужудга келади, маҳалла институти ва оила қадрсизланади.

Оилавий ажралишлар - оилага безэтибор қараш, оилавий муносабатларга масъулиятсизлик билан ёндашиш, инсон, хусусан, аёллар қадрининг сусайгани, оила (иқтисодий, тарбиявий, регулятив, репродуктив) функцияларининг бузилиши, оила аъзоларининг ичкиликбозлик, наркомания ва ахлоқсизликнинг турли кўринишларига берилиши.

Оқибати: маҳалла институти кучсизланади, оилавий парокандалик вужудга келади, асабий ва агрессив авлод тарбияланади, жамият маънавий-маърифий таназзулга юз туттади.

Суицид - бугунги кунда БМТ нинг расмий баёнотига кўра бир секундда 1 нафар инсон ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари қайд қилинмоқда. Бу ҳолат кўпроқ 14-27 ёшдаги инсонларда кўпроқ учрамоқда. Ўз жонига қасд қилишнинг ўзини осий, томирини кесий, отиб ўлдириш, баланд бинодан ташлаш, захарли моддаларни истеъмол қилиш, ҳаракатланаётган транспортлар остига ўзини ташлаш каби кўринишлари кенг тарқалган. Ўз

жонига қасд қилиш асосан психологик бузилишлар, ўта эмоционал зўриқиш ҳолатларида рўй беради.

Оқибати: ўз жонига қасд қилиш асосан иродасизлик, қатъиятсизлик, умидсизлик, чорасизлик ва ўзини руҳий бошқара олмаслик оқибатида рўй беради. Бу ҳолатнинг инсонлар орасида ортиб бориши, воқеликда юз берадиган айрим қийинчиликларни ечимини қидирмасдан таслим бўлиш, яъни ўз жонига қасд қилишга мойиллик каби ижтимоий-психологик хавфнинг ошишига сабаб бўлади. Суицид жамиятдаги барқарорликни издан чиқаришга қаратилган хавфли таҳдидлардан бири.

Коррупция ва жиноятчилик – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш.

Оқибатлари: коррупция амалга оширилаётган ислохотларга қаршилик кўрсатиш ифодасидир; жиноятчилик ва коррупциянинг авж олиши давлатнинг конституциявий асосларини емиради, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари жиддий тарзда бузилишига олиб келади; жиноятчилик ва коррупция жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини емиради. Жамият аъзоларининг фуқаролик мавқеини йўққа чиқаради. Амалга оширилаётган ўзгаришларга салбий муносабат вужудга келиши учун шароит яратади; Коррупция домига илинган амалдорлар шахсий бойлик орттириш мақсадларини ва уруғ-аймоқларнинг манфаатларини давлат манфаатларидан устун қўяди. Бу эса мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий тараққиётига ҳамда аҳолининг аксарият қисмига тузатиб бўлмайдиган зарар етказди.

ОИТС – одамнинг иммун тизимини иммунитет танқислиги вируси шикастлаши натижасида касаллик белгилари келиб чиқадиган хасталикнинг сўнгги босқичидир. Касалликнинг асосан уч хил: ОИТС инфекцияси бор шахслар билан ҳимояланмаган жинсий алоқа қилганда, гиёҳванд моддаларни гуруҳ бўлиб, томир орқали қабул қилганда, вирус билан зарарланган, текширилмаган қон ва унинг таркибий қисмлари қуйилганда, зарарсизлантирилмаган (етарлича дезинфекция қилинмаган) жарроҳлик, доялик, стоматологик, сартарошлик ва бошқа асбоблардан, шприц ва игналар-дан умумий фойдаланилганда юқиши исботланган.

Оқибати: бугунги кунда бутун жаҳонда миллионлаб инсонларнинг умрига зомин бўлаётган, кўплаб оилаларнинг тинчлигини бузаётган ва шу билан биргаликда дунёдаги давлатлар иқтисодига катта зарар етказаётган ОИТС инфекцияси ўзининг оқибатлари билан инсониятнинг энг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда. Ер юзида ушбу касаллик билан яшаётган одамлар сони 34 миллионни ташкил этади. Бир кунда тахминан 7 минг 400 нафар

одам бу касалликни юктириб олмоқда. Касаллик турли ёшдаги аҳоли орасида, айниқса, навқирон 20-49 ёшлилар ўртасида кўплаб қайд этилиши хатарлидир.

Ташқи таҳдидлар:

Терроризм ва экстремизм. Терроризм – хатарли, жиноий шаклларда намоён бўлган ҳолда мураккаб зиддиятли ижтимоий-сиёсий ҳодиса. Халқаро террорчиликнинг хатари, энг аввало, улар зўравонлик йўли билан ўз қурбонларига етказадиган бевосита зарарда намоён бўлади. Халқаро террорчилик ўз қиёфасини ўзгартирган ҳолда кундан-кунга миллий давлатлар, халқаро жамият ва унинг ҳуқуқ-тартиботи, давлатлараро муносабатлар тизимига бузғунчи таъсир ўтказиш усули, меъёри тарзига айланган ҳолда уларнинг хавфсизлигига таҳдид солмоқда. Экстремизм – кескин ёндашувларга (хусусан, сиёсатда), кескин чораларга кўр-кўрона содиқликни англатади. Тартибсизликларга, фуқароларни бўйсунмасликка, террорчилик ҳаракатларига, партизанлик урушларига туртки беришларни ана шундай чоралардан дейиш мумкин. Ўта кескин кайфиятдаги экстремистлар одатда қандайдир ён беришлар, музокаралар ва келишувлардан бош тортадилар ва улар онгида радикал кайфият устунлик қилади.

Оқибати: бугунги кунда терроризм жаҳон ҳамжамиятига борган сари кўпроқ таҳдид туғдирмоқда. Ҳозирги кунда халқаро терроризмнинг ўнлаб марказлари мавжудлиги маълум. Жумладан “Ал-қоида”, “Ҳизб ут-таҳрир”, “ИШИД” сингари халқаро террористик ташкилотларнинг бўлинмалари кўплаб мамлакатларда фаолият юритиб келмоқда.

Баъзи мамлакатлар раҳбарларининг бефарқлиги ва кўриб кўрмасликка олиши сабабли “Ҳизбут-таҳрир” террористик ташкилоти қатор мамлакатлар ҳудудида очиқ фаолият юритмоқда.

Бугунги кунда бузғунчи ҳодиса сифатидаги экстремизм нафақат мамлакатимиз, балки бутун жаҳон ҳамжамияти учун ҳам энг долзарб муаммолардан бирига айланмоқда ҳамда кўплаб кишилар ҳаётининг қурбон бўлишига сабаб бўлмоқда.

Ақидапарастлик - муайян шароитда, бирон-бир ғоя ёки тамойилга қатъий ишонч ва уни мутлақлаштириш асосида шакланган қоида ва тартибларни, бошқа шароит, ҳолат вазиятни ҳисобга олмаган ҳолатда, кўр-кўрона қўллашга уринишга асосланган вайронкор мафкура шакли. Бу атама фақат салбий маънода қўлланилиб, муайян фан ёхуд дин вакили томонидан кашф этилган қонун ва қоидалар таъсир доирасини сунъий равишда кенгайтиришга уринишни англатади. Диний ақидапарастлик диндаги муайян ақида ёки қоидаларни, ўринли ёки ўринсизлигидан қатъий назар, кўр-кўрона қўллаш ва мутлақлаштиришга интилишдир.

Оқибати: ақидапарастликка берилиш оқибатида барча динларда турли мазҳаб ва йўналишлар орасида кескинлик, низо ва тўқнашувлар келиб чиқади. Улар ўз ғоялари

бидъатли, ғайриинсоний бўлишига қарамасдан, бошқаларга нисбатан ўта жоҳил ва мурасасиз муносабатда бўладилар. Бу жараён уларда ўзини шубҳасиз ҳақ деб билиш, ҳақиқатни фақат мен биламан, деган қарашга асосланган манманлик эса ўз ўрнида зўравонликни юзага келтиради. Яъни ақидапарастлик экстремизмнинг пайдо бўлишига замин яратади.

Миссионерлик (лотинча «missio» - «юбориш», «вазифа топшириш») ва прозелитизм. Миссионерлик – бир динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилишни англатади.

Прозелитизм – бу миссионерлик фаолияти натижасида тўғридан-тўғри бирон бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечишга ва ўзга динни қабул қилишга мажбур қилишдир. Демак, прозелитизм миссионерликнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Миссионерларнинг асосий мақсади ўз диний таълимотларини тарғиб қилиш йўли билан жамиятда хайрихоҳ бўлган гуруҳларни шакллантириш ва тарафдорлар сонини кўпайтириш орқали муайян мамлакат ва ҳудуд устидан назорат ўрнатишдир.

Миссионерлар ўз мақсадларига эришиш учун хилма-хил ва турли даврларга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиққанлар. Масалан, христиан миссионерлари буддавийлик, конфуцийлик, ҳиндуийлик, ислом, синтойлик ва даосизм динлари кенг тарқалган ҳудудларга алоҳида эътибор билан қарайдилар. Ушбу динлар тарқалган ҳудудларнинг аксарият қисмида улкан нефть ва газ захиралари мавжудлиги эса миссионерликдан кўзланаётган ғаразли геосиёсий мақсадларнинг асл моҳиятини теранроқ англашга хизмат қилади.

Оқибатлари: миллатнинг бирлиги ва жипслигига таҳдид солади. Жумладан, ўзга динни қабул қилган кишилар вафот этганда жасадни қабристонга қўйиш билан боғлиқ муаммолар келиб чиқади, яъни майитнинг мусулмон ота-оналари ўз фарзандларини христиан мазолига дафн этишни хоҳламаганлари, мусулмонлар эса христиан дини вакили жасадини ўз мусулмон биродарлари ётган жойга қўйишни истамаганликлари натижасида келишмовчиликлар юзага келади. Шунингдек, христиан динини қабул қилган киши ўз ўғлини хатна қилдиришни хоҳламагани, унинг отаси эса, ўз набирасини мусулмон урф-одатларига кўра хатна қилдиришни истагани туфайли ота-бола ўртасида жанжаллар келиб чиқади. Христиан ёки бошқа динни қабул қилган қизнинг турмушга чиқиши ҳам муаммога айланади. Натижада бошқа динни қабул қилган миллат вакиллари оилаларида низолар ва жанжалларнинг авж олишига, миллатнинг парчаланишига замин яратилади.

Одам савдоси – халқаро доирадаги таҳдид, одамларни, уларнинг ички аъзоларини бошқа давлатларга сотиб юбориш, ундан фойда олиш. Одам савдоси қурбонларига айланган аёллар интим мақсадлар, эркаклар мажбурий жисмоний меҳнатга жалб этилиши

кузатилса, ёш болалардан ички аъзолар савдоси, кул ёки уй хизматкорлари сифатида фойдаланиш кузатилади.

Оқибати: оилалар пароканда бўлади, инсон шаъни, қадр-қиммати топталади, одамларда бошқаларга бўлган ишонч ҳисси йўқолади, жамиятлараро, халқаро муносабатларга путур етади, мамлакат иқтисоди ва маънавияти жиддий зарар кўради.

“Оммавий маданият” – бизга четдан кириб келаётган, маънавиятимиз, маданиятимиз, миллий қадриятларимизга мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубан иллатларни ўз ичига олган иллатлар йиғиндиси.

“Оммавий маданият” ниқоби остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар кириб келади.

Оқибати: “оммавий маданият” одамларни миллий ва диний қадриятлардан узоқлаштиради, ҳаё, ибодат ва имондан айиради, миллий, умуминсоний қадриятларга барҳам беради. Энг ёмони, исрофгарчилик авж олиб, халқимизнинг кундалик одатига айланган савоб ишлардан шахсий манфаат кутиш авж олади.

Наркотрафик – гиёҳвандлик савдоси билан шуғулланадиган жиноий тўдалар. Маълумки, бугунги кунда гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси ва гиёҳвандлик дунё миқёсидаги энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Оқибати: кўплаб инсонлар гиёҳвандга айланади, жиноятчилик авж олади, бепарқлик ва лоқайдлик каби иллатлар инсон маънавиятида устуворлик касб эта боради, ижтимоий-маънавий ҳаёт издан чиқади, фикр қарамлиги шаклланади.

Булардан ташқари қуйидаги салбий ҳолатлар ҳам кузатилмоқда:

- нотинч оилалар сонининг ўсиши;
- оилавий низолар;
- норасмий никоҳлар;
- оталикни белгилаш ҳолатларининг ортиши;
- жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг ўсиши;
- оилавий турмуш доирасидаги жиноятлар сонининг ўсиши;
- ишсизлик даражасининг ортиши;
- баъзи ёшларнинг бузғунчи оқимлар таъсирига берилиши;
- аҳоли ҳуқуқий маданиятининг пастлиги;
- кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва ногиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда адолат мезонларининг бузилиши;
- ёшлар орасида тамаки ва спиртли маҳсулотлар истеъмол қилиш ҳолатлари;

- фоҳишабозлик, ахлоқсизлик иллатларининг учраб туриши.

Юқоридагилардан шу нарса аён бўладики, бугунги тез ўзгариб, мураккаблашиб бораётган замоннинг ўзи, тобора кучайиб бораётган турли таҳдид ва хатарлар маҳалла олдига миллий кадриятларни тарғиб қилиш, маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш орқали оила институтини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ҳамда уларни умуминсоний ва миллий кадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш ва бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш каби ўткир ва масъулиятли талабларни қўймоқда.

Шунинг учун барча маҳаллаларда инсон маънавий оламини соғломлаштиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- мустақил фикрга эга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга шахсларни тарбиялаш;

- ёшлар қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий кадриятларга хурмат-эҳтиром туйғусини болалиқдан шакллантириш;

- маънавий таҳдидларга қарши доимо сергак, огоҳ ва хушёр бўлиб яшаш;

- шарқона ахлоқ меъёрларига риоя қилиш;

- таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш.

Хулоса. Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ҳозирги глобаллашув шароитида ёшларни турли маънавий таҳдидлардан, зарарли иллатлардан ҳимоялаш, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Бунинг учун эса, ёшларни маънавий жиҳатдан қуроллантириб бориш, таҳдидлар ва тазйиқлар хусусида улар хавф туғдирмасидан аввал маълумотга эга бўлиб боришларига шароит яратиш лозим. Зеро, аҳолининг турли қатламлари, айниқса, ёшларнинг қалби ва онгига лоқайдликка йўл қўймаслик, юртимизда амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари, давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, мустақиллик, тинчлик-хотиржамлик, осойишталикнинг мазмун-моҳиятини етказиш, салбий иллатларга қарши ўз вақтида курашиш ва бефарқликка бутунлай барҳам бериб, аниқ, амалий режалар асосида иш юритишни бугунги даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. Тошкент Ўқитувчи. 2021. 184 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуни. //“Халқ сўзи” газетаси, 2013 йил, 23 апрель.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуни.//
www.lex.uz
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги
Қонуни.// www.lex.uz
5. Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва
ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни.// www.lex.uz
6. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги
Қонуни.// www.lex.uz